



IJOДИY PARVOZ

2014/11 №19

O'zbekiston Davlat san'at va
madaniyat institutining ma'naviy-
ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi



МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁНГА ҲОЗИРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ҳамда шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурига биноан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари томонидан мамлакатимизнинг барча маъмурий-ҳудудий тузилмаларида сайлов участкалари ташкил қилинди.

Ҳозирги кунда ана шундай муҳим сиёсий жараёнга Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳам қизғин тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Институтимиз ҳудудда 12-Яланғоч округи, 106-сайлов участкаси ва 2014 йил 21 декабрда бўлиб ўтадиган сайловда «Талабалар турар жойи»-да рўйхатдан ўтган талаба ёшларимиз ҳам овоз беришдек муҳим сиёсий жараёнда қатнашадиган 107-сайлов участкаси жойлаштирилди.



Юқорида кўрсатиб ўтилган округ ва участкалар қонунда белгиланган тартибда жиҳозланди, сайловга бағишланган стендлар, плакатлар, турли шаклдаги банерлар, техник ускуналар ва сайлов хоналари учун жиҳозлар институт раҳбариятининг эътибори, саъй-ҳаракати билан энг намунали ҳолатга келтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларга амал қилади.

Бахтиёр ЮЛДАШЕВ
107-сайлов участкаси раиси




2014 йил 26-29 октябрь кунлари Хорватия давлати пойтахти Загреб шаҳрида TEMPUS дастури доирасидаги UZDOC халқаро лойиҳасининг бош координатори ва иштирокчилари ўртасида навбатдаги ташкилий йиғилиш бўлиб ўтди. Учрашувда Белгия, Италия, Греция, Словакия, Австрия, Испания давлатлари университетлари ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти вакиллари қатнашишди. Институт илмий ишлар бўйича проректори, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Гўзал Холиқулова ва «Кино санъати, телевидение» ихтисослиги бўйича катта илмий ходим-изланувчи Элдор Юлдашевлар билан кечган суҳбатимиз TEMPUS халқаро грант лойиҳаси хусусида бўлди.

— Гўзал Эркиновна, келинг, суҳбатимиз аввалида TEMPUS дастури, унинг лойиҳалари, имкониятлари, мақсад ва вазифалари хусусида қисқача тўхталиб ўтсак.

— TEMPUS (Trans-European Mobility Programme for University Studies) бу Фарбий Болқон минтақаси, Шарқий Европа ва Марказий Осиё, Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги ҳамкор давлатларда олий таълимни ислоҳот қилишга қаратилган ва асосан университетларaro ҳамкорлик лойиҳалари орқали қўмаклашувчи Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган дастурдир. Бизга маълумки, TEMPUS дастури 1994 йилдан бошлаб республика олий таълим муассасалари ва Европа Иттифоқи университетлари ҳамкорлигида турли хил тажрибаларга эга бўлишди. Шу қаторда қўшма лойиҳаларни молиялаштириш орқали ҳар йили танлов олдида устувор йўналишлар бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда лойиҳалар амалга оширилмоқда. Танлов талаблари билан танишиш жуда қизиқарли. Чунки олий таълим муассасасида фаолият олиб боровчи ҳар бир шахс соҳа бўйича шу масканни, қолаверса, таълимни модернизациялашга ва ривожлантиришга масъулдир. Шунинг учун у муҳим вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади. TEMPUS ана шу муҳим вазифаларни молиялаштиришга ва амалга оширишга қўмаклашади.

— Сизлар қўлга киритган лойиҳа бўйича ҳам гапириб берсангиз?

— Бизлар қўлга киритган лойиҳа бу — институтнинг катта ютуғи бўлди. TEMPUS IV дастурининг 6-танлов доирасида 11 та янги лойиҳа танлаб олинди. Шу лойиҳалар ичида мамлакатимиз таълим ислохотлари жараёнида муҳим бўлган «Ўзбекистон олий таълим муассасаларида доктор-



21 и 22 октябрь с.г. в нашем институте, при содействии Посольства Чехии в Узбекистане, состоялись мастер-классы авторитетного деятеля чешского кинодраматурга, культуролога и программного директора международных проектов Эмили Гавиаровой.

Мастер-классы были посвящены обзору наиболее значимых периодов в истории чешского кино, режиссерам известной «чехословацкой новой волны 60-х годов»: Вере Хитиловой, Иване Пассере, Войтехе Ясны и Милоше Формене. На творчестве последнего она остановилась более подробно, т.к. это самый известный чешский кинорежиссер современности.

Свою творческую биографию Формен начинает на киностудии «Баррандов» в Праге, но с 1968 года живет и работает в Америке, где обретает мировую славу выдающегося режиссера. Наиболее известными из его фильмов являются «Полёт над гнездом кукушки» (премия «Оскар» американской киноакадемии в пяти номинациях — За режиссуру, сценарий, лучшее исполнение мужской и женской роли, и «за лучший фильм»), а также его фильм «Амадеус» (два «Оскара»). В рамках первой лекции были показаны фрагменты документального фильма о жизни и творчестве Милоша Формена. Вторая лекция, с показом фрагментов из мультфильмов, была посвящена чешской анимации, которая пользуется любовью и популярностью во всем мире.

Живой интерес у слушателей вызвал рассказ об одной из лучших кино площадок Европы — о киностудии «Баррандов», на базе которой снимаются не только европейские, но и американские фильмы, а также информация о киношколах Чехии и Польши.

Г-жа Гавиарова поделилась своими впечатлениями о визите в наш институт: «Я была приятно удивлена вниманию, которое уделяется правительством Узбекистана воспитанию молодых кадров для киноискусства. Впечатляют новое здание института, его Учебный театр, оснащенность аудиторий, но главное — внимание и интерес к кино у студентов, с которыми мне удалось пообщаться».

Манноб КУЧКАРОВ
Начальник отдела международных связей

Давоми. Боши 1-саҳифада. ►►

лик таълимнинг сифатини ошириш — «UZDOC» лойиҳаси учун 5 та олий таълим муассасаси лойиҳалари танлаб олинди ва 2013 йил декабрдан ўз ишини бошлади. Булар: Тошкент молия институти, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Қорақалпоқ давлат университети, Қарши давлат университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти. 36 ой давом этадиган ушбу лойиҳада иштирокчилар илмий тадқиқотлар олиб бориш, белгиланган вазифаларни ва тадқиқот давомида эришилган натижаларни муҳокама қилиш учун учрашувлар ташкил этади.

— **Ҳамкорлик доирасида қайси муаммолар ўз ечимини топмоқда?**

— Лойиҳанинг долзарблиги лойиҳанинг номида акс этиб турибди. Барчага маълумки, олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, фан докторларини тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган. Бу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, институтда докторлик илмини йўлга қўйиш ўз-ўзидан, тез ҳал бўладиган иш эмас. Ҳозирда иқтидорли талабалар, ёш олимлар, катта илмий ходим-изланувчи, мустақил изланувчилар ишини тизимли равишда ривожлантириш учун амалга ошираётган ишларимиз камлик қилаяпти. Шунинг учун докторлик диссертациясини ёзиш ва ёқлашда жаҳон ҳамжамиятининг илғор тажрибаларидан фойдаланиш, Ўзбекистонда қўлга киритилаётган ютуқларни жаҳонга танитиш лозимлигини ёшларга ўқитиш, ўз вақтида битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияларига жиддий ёндашиш долзарб масалалардан биридир. Учрашувда докторантура дастурларини ишлаб чиқиш, илмий раҳбарнинг вазифаларига аниқлик киритиш, плагиат, диссертациянинг академик тили, мақолалар чоп этиш қоидалари бўйича қатор масалалар кўриб чиқилди.

— **Европа ҳамжамияти томонидан иштирок этган университетлар вакиллари кимлар бўлди?**

— Асосан (PhD) фан докторлари, профессорлар ва докторантлар қатнашишди. UNICA бош котиби Крис Джонкер ва Италиянинг Рим Сапиенса университети проректори Лучано Сасо, Хорватиянинг Загреб университети проректори Мелита Ковачевич, Испаниянинг Гранада университети проректори Антонио Гонзалес, Братислава Косениус университети проректори Душан Мешко ва Брюссель Вридж университети проректори Жан Пьер де Грив ва бошқа европалик мутахассислар Европа докторлик таълим тизими ҳақида ўз университетлари мисолида чиқишлар қилишди.

— **Мамлакатимиздаги олий ўқув юртидан кейинги таълим жараёнини тўғри ташкил этиш, катта илмий ходим-изланувчилик институти фаолиятини такомиллаштириш учун Европа таълим тизимидаги қайси жиҳатларни тажриба сифатида ўрганишимиз, амалиётга татбиқ этишимиз мумкин?**

— Аввало, таълим сифатини ошириш, соҳадаги муаммоларни илмий ҳал қилиш учун ҳамкорликдаги дастурларни тўғри ишлаб чиқиш, кафедранинг устувор йўналишини аниқлаб, мақсадли ишлашга ўрганиш керак. Ишлаб чиқариш билан боғланишни талаб даражасида ташкил этиш лозим. Биз олдимиздаги муаммоларни баъзан кўра олмаймиз. Муаммони тўғри ўрганмай, ўзимиздан узоқ бўлган масалалар устида бош қотирамиз. Битирув малакавий иши, магистрлик диссертация мавзуларини аниқлаш жуда муҳим масала эканини ва бу илмий тадқиқот ишлари докторлик диссертацияларига асос бўлишини институтимиз раҳбари томонидан қайта-қайта таъкидланиши бежиз эмас. Қачонки ҳал этилиши лозим бўлган масала аниқ бўлса, илмий ишдан ҳам аниқ натижа чиқади.

— **Элдор ака, институтнинг ягона катта илмий ходим-изланувчиси сифатида айтингчи, бу лойиҳада иштирок этиш сизга қандай ёрдам беряпти?**

— Кимки мажбурликдан илм қилса, у узоққа бормайди. Докторантда аниқ мақсад бўлиши керак. Халқимизда «Кўз-қўрқоқ, қўл-ботир» деган зўр мақол бор. Мен доим шунга амал қилиб келаман. Аввалига лойиҳанинг қийинчиликларидан қочиб кетмоқчи бўлдим. Инсон баъзан ўзининг имкониятлари даражасини сезмайди. Бу лойиҳа менга имкониятларимни янада кенгайтиришга, кино, телевидение, театр овоз режиссёрлиги кўпчилик айтганидек фақат техника эмас, бу илмий тадқиқотлар билан ривожланадиган соҳа эканлигини исботлашга имкон берди. Мақолаларимни чоп эттириш ҳам тезлашди, диссертациямни ҳам ўз вақтида ёзиб тугатдим. Мен институт докторантура ва мустақил изланувчилигига даъвогар дўстларимга изланишдан тўхтамасликларини тилайман.

Самимий суҳбатингиз учун сизларга ўз миннатдорчилигини билдираман. Раҳмат.

Тахририят ва нашриёт бўлими муҳаррири
Умида ҲАСАНОВА суҳбатлашди



Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «муомала — кишилар ўртасида муносабат, сўзлашув ёки шундай муносабат йўсини» деб таъриф берилган. Бундай муносабатларсиз инсон ҳаётини тасаввур этиб бўлмайди. Ота-она ва фарзандлар, устоз ва шогирдлар, ҳамкасблар, бошлиқ ва унинг қўл остида ишлайдиганлар, ошна-оғайнилар, кўча-куйда умуман бир-бирини танимайдиган одамлар ва ҳоказолар ўртасидаги муносабат, бино-

барин, уларнинг ўзаро муомаласи қандай бўлиши жамиятимизнинг тараққий этишида муҳим аҳамият касб этади.

«Муомала» сўзи замирида бутун инсоният тақдири мужассам. Муомала маданияти инсоннинг қандай феъл-атворга эга эканлигини кўрсатиб берувчи асосий омилдир. Бу билан инсон кўпчиликлари ҳурматида сазовор бўлиши ёки аксинча, ўз ҳурматини йўқотиши мумкин.

Шунчалар мушкулми муомала маданиятига эришиш? Бу йўлда одамзодга нима тўсиқ бўлмоқда? Мумтоз адабиётда кибор ва манманлик энг ёмон қусурлардан бири саналади. Одам ўзидаги ортиқча киборни, нафсни енгиш орқали коммуналка интилиб боради. Гоҳида кўча-куйда баъзи одамларнинг ўзаро муносабатини кўриб дилинг ранжийди. Нима учун инсонлар қисқа берилган умрларида бир-бирларини аяб яшашга интильмайдилар...

Муомала маданияти, сўзлашиш одоби ҳақида ёзма ва халқ оғзаси ижодида кўп мумтоз асарларимиз асрлар синовидан эсон-омон етиб келганки, биз уларни кўпроқ ўқиб-ўрганишимиз ва ўзимиз амал қилган ҳолда, фарзандларимиз ва шогирдларимизга ўрнак бўлмоғимиз даркор. Донолар: «Аввал ўйла, кейин сўйла» ёки «Етти ўлчаб, бир кес» дейишган. Муомала маданиятида мулоимлик ризқ сари

Муомала ИНСОН КЎРКИ

етакловчи калит бўлиб, болалар ўз оталаридан мерос қилиб оладиган уч муҳим нарса: хушмуомалалик, одоб ва сado-қатдир. Ўз навбатида, хушмуомалаликнинг ўнга белгиси бор: инсоф, ақл, илм, бағрикенглик, олижаноблик, кўркам феъллик, яхшилик, сабр, шукр, мулоимлик.

«Бизга ниҳоятда арзон тушадиган, лекин ўзгалар тарафидан жуда юқори баҳоланадиган нарса хушмуомалаликдир» — деб бекорга айтишмаган. Каттадир, кичикдир — рўпарангизда табиатнинг буюк мўъжизаси — ҳазрати инсон турганини ёдда тутиш, бинобарин, суҳбатдошингизни, давradoшингизни ҳамisha ҳурмат қилинг. Унга табассум билан самимий муомалада бўлинг, қўлингиздан келган ёрдамга шай туринг. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек: «Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин». Инсон тил ва тафаккури билан бошқа жонотлардан афзал ва мукаррамдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, хайрли ва савобли ишлар инсонни турли ҳалокатлардан асрайди, тили ширин одамнинг дўсти кўп бўлади.

Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил шафқатсиз ёвдир, бошқача қилиб айтганда, айтилган сўз отилган ўқдир, уни қайтариб бўлмайди. Кўп сўзда кўп хато бўлади. Бирон жойга қадалган найзани чиқариб олса бўлади, аммо дилга қадалган сўз захрини чиқариб бўлмайди.

Муомала жараёнида луғавий маъносини билмаган сўзлардан фойдаланманг, аввал бундай сўзларнинг келиб чиқишини ўрганинг. Сийқаси чиққан ва кўп ишлатилган сўзлардан ҳалеб фойдаланманг. Ўз фикр-мулоҳазаларингизни аниқ ифодалашга ҳаракат қилинг.

Инсон улғайгани сари қалбан покизаликка эҳтиёж сезади. Мансаб, мартаба, машхурилик, сохта обрў ортидан қувиш ва бошқа устуликларга эришишга мойиллик ўрнини аста-секин мулоимлик, мулоҳазакорлик, тўғрилиқ ва ҳалоллик эгаллайди.

Инсоннинг гўзаллиги аввало, унинг тилида ва ҳатти-ҳаракатида билинади. Яхши сўз ва чиройли муомала ҳар қандай одамга зийнат бағишлайди. Ҳар биримиз мана шундай «зийнат»лар билан безанмоғимиз даркор.

Зулҳумор НАРКЎЗИЕВА
Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

Халқ ўйинлари ва Ибн Сино қарашлари



Ўзбек халқи ўзининг миллий урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари билан бир қаторда халқ ўйинларини ҳам шакллантирди. Халқ ўйинлари аждодларимиз даврдан то ҳозирги кунгача ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғломлаштирувчи, қолаверса, самарали тарбия воситаси сифатида беминнат хизмат қилиб келмоқда.

Бизгача етиб келган халқ ўйинларининг ривожланиш тарихи, унинг ўзига хос аҳамияти ҳақида бир неча олим мутафаккирларимиз томонидан қимматли маълумотлар ёзиб қолдирилган. Улар орасида аллома Абу Али ибн Сино келтирган маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Биз илмий изланишларимиз натижасида буюк қомусий олим ибн Синонинг баъзи бир қарашлари айрим халқ ўйинлари билан бевосита боғлиқ эканини аниқладик. Жумладан, унинг «Тиб қонунлари» китобида шундай жумлалар келтирилган: «Гавданинг ҳар бир қисми учун махсус ҳаракатлар бордур. Қўкрак ва нафас аъзоларининг ҳаракатлари қуйидагичадир: киши товушини гоҳ пасайтириб, гоҳ ўртача ёки кучли қилиб, оғиз, тилча, тил ҳам бўйиндаги аъзоларини ҳаракатлантиради, бунинг натижасида ўпка яхшиланиб, қўкрак тозаланади. Пуфлаш ва нафасни ушлаб туриш эса нафас йўллари кенгайтиришга хизмат қилади».

Алломамиз таъкидлаган ушбу жараён ҳозирги даврда болажонларимиз томонидан ўйналиб келинаётган «Чиллак» ўйинида бажариладиган ҳаракатлар билан бир-бирига айнан мос келиши диққатга сазовордир. Чунки «Чиллак» ўйини баъзи ҳудудларда қуйидаги қоида асосида ўйналади. Унга кўра, биринчи иштирокчи чиллак тағининг кичигини зарб билан улоқтирганда, иккинчи иштирокчидан уни бир нафасда, «Вззз» деб, товуш чиқарган ҳолда олиб келиш талаб этилади. Ушбу ҳолатни бугунги кун тиббиёти қуйидагича изоҳлайди: агар инсон нафасни ичига кучли ютиб, югурган ҳолда уни секин чиқарса, ўпка ва нафас йўллари кенгайишига хизмат қилар экан.

Ибн Сино ва замонавий тиббиёт таҳлилларидан ҳулоса шуки, «Чиллак» ўйини ўпкани кенгайтиради. Ўпканинг кенгайиши эса, миянинг кислород билан таъминланишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, олим ўзининг «Тиб қонунлари» китобида бир оёқда сакрашни бадан тарбиянинг тез ҳаракатлар жумласига киритади. Ушбу жараён қизлар ўртасида оммалашган халқ ўйинларидан бири «Чўлоқ қарға» ўйинида ўз аксини топган.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан ҳулоса шуки, халқ ўйинлари келажагимиз эгалари бўлган ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашда, дунёқарашини шакллантиришда ҳамда баркамол инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ваҳобжон ЎРАЗМАТОВ
Ижтимоий маданий фаолият бўлими 4-курс талабаси

МЎЪТАБАР, ҲАТТОКИ САҲНА ГАРДИ ҲАМ...

Кўп ҳолатларда ниманингдир машаққати нечоғлик эканлигини шу иш бошимизга тушгандагина биламиз... Ёшлигимдан буён САНЪАТ деб аталмиш бир ажиб тушунча мени ўзига маҳлиё этиб келган. Унинг туб моҳиятини билиш, ҳис қилишни чин дилимдан хоҳлаганман. Ёки бошқача айтганда, у мени ўзи томон қорлаб: «Кел, сенинг ўрнинг шу ерда», — дегандек туюларди. Ниҳоят ҳавас ва қизиқишларни «орзунинг оппоқ тулпори»га ортиб, санъат оламига қадам босдим. Буюк театр арбоби К.С.Станиславский айтганидек, «орзу қилишни билмаган санъаткор санъаткор эмас». Бу сўзлар менга янада далда бериб, ўз келажагимни нурли шоҳсупаларда тасаввур қила бошладим. Лекин бу йўл мен ўйлаганчалик осон эмаслиги илк лаҳзалардаёқ сезила бошлади. Авваллари мен фильмларда кўрадиган актёрлар ўз ролини осонгина ижро этаётгандек туюларди. Аммо кичик бир эпизодик ролни ижро этиш учун ҳам тинимсиз ва узоқ меҳнат қилиниши санъат ҳақидаги чучмал фикрларимни ўзгартириб юборди. Бу оламнинг нақадар мураккаблигини ўз кўзим билан кўрибгина ишонч ҳосил қилдим. У ўз ижодкоридан юксак маҳорат, тинимсиз меҳнат, чуқур билим, ўткир зеҳн, сабр-тоқат, фидойилик, масъулият ва ҳоказоларни талаб қилади. Айнан шу жиҳатлари мавжуд бўлган инсонгина санъат дунёсида ўз ўрнини топа олади. Акс ҳолда бу даргоҳда унга ўрин йўқ. Бу эса санъатнинг яна бир жиҳати, яъни-шафқатсизликдир. Вақт ўтиши билан ҳар бир соҳа ривожланиб борар экан, унда кўплаб ютуқлар қаторида айрим камчиликлар ҳам юзага келиши, табиий. Соҳада ҳаваскорлар пайдо бўлиши, саъвия етишмаслиги, чаласаводлик, юзакилик, бачканалик — ана шундай камчиликлар сирасига кирилади. Буларнинг ягона сабаби эса, менинг назаримда, қадимий ва муқаддас бўлган санъатга енгил назар билан қараш, уни мусобақалашадиган майдон сифатида тушуниш ва туб моҳиятини англамасликдан келиб чиқади. Бундай «санъаткор»ларнинг эса афсуски умри қисқа, ўтмиши мероссиз бўлади.

Шу ўринда устозларимизнинг айни қизғин репетиция жараёнларида айтган қуйидаги сўзлари сира ёдимдан чиқмайди: «Санъатга оддий боқма, саҳнани табаррук бил, унинг гарди ҳам мўътабардир. Бу гардни ютиб, сидқидилдан меҳнат қилсанг, албатта ушбу саҳна сенинг юзингни ёруғ қилади».

Сардор АБДУМАННОНОВ
Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги бўлими 3-курс талабаси



ЭСТРАДА ҚИЗИҚЧИЛИК САНЪАТИНИНГ БУГУНИ

Инсоннинг тиришқоқлиги, ўз устида тинмай изланиши уни ўзи танлаган соҳада юксак муваффақиятларга эришишини таъминлайди. Кўзланган натижага эришишда эса, албатта, институт даврида олинган билим, тажрибали педагогларнинг сабоқлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада гап кетганда, бизнинг институтимизни тамомлаб бугунги кунда санъатда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб улгурган ижодкорларни фахр билан тилга оламиз. Таниқли сўз устаси Зокир Очилдиев ҳам институтимизнинг ана шундай ҳурмат қозонган собиқ талабаларидан бири.

— Зокир ака, суҳбатимиз аввалида «Олтин даврингиз»ни ёдга олсак. Институтга ўқишга кираман деб ҳужжат топширганингизда дастлаб сўз устаси бўлишни мақсад қилганингиз ёки актёр бўлишни?

— Марҳум санъаткор Рустам Ҳамроқуловга ҳавас қилиб бу соҳани танлаганман. Мақсадим эстрада қизиқчиси бўлиш эди. Институтга келсак, бундай бўлим йўқ эди, ҳозир эстрада актёрлиги бўлими фаолият юритмоқда. Ўшанда драма ва кино актёрлиги бўлимига ўқишга кирганман. Бизга Рустам Усмонов, Шоира Ҳамидова, Маъмуржон Умаров сингари тажрибали устозлар актёрлик маҳоратидан сабоқ беришган. Рустам Усмонов бизга асосан бадиий асарларни ёки ҳаётини воқеаларни саҳнага мослаштириш, яъни инсценировка қилишни ўргатардилар. Ўшанда устоз «Бу машғулоти яхшилаб ўрганиб олинганлар, ҳали келгусида сизларга жуда фойдаси тегади», деб таъкидлардилар. Мана бугун уларнинг гаплари қанчалик ҳақиқат эканига ижодий фаолиятимиз давомида амин бўлиб улгурдик.

— Ижодингизни дўстингиз Ортиқ ака Султонов билан бошлагансиз ва тезда мухлислар эътиборига тушгансиз. Бугунги кунда концерт дастурларини тайёрлашда қайси ижодкорлар билан ҳамкорлик қилаёсиз?

— Тўғри айтдингиз, биз Ортиқ билан икки актёр театри услубида ижод қилдик. Ўша вақтда сўз усталарининг якка ҳолда чиқиш қилиши оммалашган эди, биз эса ўзгалардан фарқли бўлсин деб дуэт сифатида иш бошладик. Узоқ йиллар давомида «Ёшлар» телеканали орқали эфирга узатилган «Ҳанда-лак» кўрсатувимиз озми-кўпми ўз томошабинига эга бўлди. Кейинчалик айнан бизнинг услубимизга ҳавас (тақлид) қилиб бир неча кулгу жамоалари ҳам ўз кўрсатувларини тайёрлашди. Бугунги кунда мустақил ҳолда ижод қилаётганимизга қарамай, концерт дастурларини аввалгидек дуэт тарзида олиб бораёмиз. Дастур сценарийларини ўзимиз, биргаликда маслаҳатлашиб ёзамиз. Чунки ҳозирда ўзбек қизиқ-

чилари учун яхши бир номер тайёрлаб берадиган ёзувчилар бармоқ билан санарли. Эстрада санъатининг сўз жанрида қалам тебратадиган муаллифларнинг йўқлиги, бу бизнинг энг оғриқли нуқтамиз. Бундан бир неча ўн йиллар аввал «Телеминатюралар

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф «ёмон шеър ёзсанг ҳам, пешонангдан ўпиб, кам бўлма болам деб яшайди ўзбек» деб айтганидек, мухлислар бундайроқ ижод қилаётган ижодкорга ҳам иззат-икром кўрсатяпти.

театри» жуда оммалашган эди. Чунки ўша вақтда Саид Аҳмад, Алп Жамол, Фарҳод Мусахонов каби бой тажрибага эга ёзувчилар Эргаш Каримов бошчилигидаги актёрлар ансамбли билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйишганди. Баҳс-мунозара, ўзаро фикр алмашишлар, ижодий мулоқот натижасида юзага келган экран асарлари бугун ҳам ўз қийматини йўқотганича йўқ.

— Балки бугун институтда таҳсил олаётган ёш актёрлар ўз тенгқурлари — бўлажак драматурглар билан ўқиш давридаёқ ҳамкорликни бошлаши керакдир. Бундай деяртганимнинг сабаби актёрлик санъати бўлимини йилига бир қанча талабалар битирмоқда, аммо бугун уларнинг кўпчилиги санъатда ўз ўрнини топа олгани йўқ.

— Биласиз, эстрада актёри керак бўлса чинакам раққослардек рақс тушиши, қўшиқ айтса қўшиқчилардек, кинода суратга тушса ўз ишини актёрлардан қолишмаган ҳолда ижро қилиши керак. Афсуски, ҳамма ҳам бундай қобилиятга эга бўлавермайди. Тўғри, бугун санъатга катта қизиқиш билан кириб келаётган ёшлар кўпчилигини ташкил қилади. Аммо оддий қизиқиш билан ҳақиқий истеъдод ўртасида осмон билан ерчалик тафовут бор. «Санъаткорлар кўпайиб кетди!» деб жар соламиз-ку, аммо бундай эътибор берсак, ўша савиясиз хонанда ёки актёрни ҳам қўллаб-қувватлаётган мухлислари бор. Агар томошабинларнинг диди, маънавий эҳтиёжлари ва талаблари бугунгига қараганда анча юқори бўлганида, биз ҳам янада зўр ишлашга ёки бошқа касб билан шугулланишга мажбур бўлармидик. Демак, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф «ёмон шеър ёзсанг ҳам, пешонангдан ўпиб, кам бўлма болам деб яшайди ўзбек», деб айтганидек, мухлислар бундайроқ ижод қилаётган ижодкорга ҳам иззат-икром кўрсатаяпти. Агар бу муносабат ўзгармас экан, санъатда ҳақиқий рақобат кузатиламан. Рақобат йўқ жойда эса ҳеч қачон ўсиш бўлмайди.

Эстрада актёрлиги санъати бўлими 2-курс магистри
Иноятхон ЁДГОРХЎЖАЕВА суҳбатлашди

«ГУМРОҲЛАР» фильмининг кўриб...

Октябрь ойининг илк ҳафтасида Алишер Навоий номидаги кинесаройда «Эътироф-2013» тақдирот маросимида «Йилнинг энг яхши кинорежиссёри» номинациясига лойиқ топилган ижодкор — Ҳилол Насимов қаламига мансуб сценарий асосида суратга олинган «Гумроҳлар» фильми премьераси бўлиб ўтди. Ҳилол Насимов режиссёрлигида суратга олинган ушбу ижод маҳсули ватанфуруш, нобакор ва ватангадо кимсалар қисматида бағишланган фильмлар орасида муносиб ўрин эгаллагани, шубҳасиз. Фильм АҚШ ва Туркия каби хорижий мамлакатларда суратга олинган. «Гумроҳлар» фильми ўзбек киносида илк бора вертолётлар ёрдамида суратга олинган. Фильмда актёрлардан Самандар Ҳамроқулов, Жамила Ғофурова, Хайрулла Саъдиев, Эркин Комилов, Мирза Азизов, Бахтиёр Қосимов, Шаҳло Темировлар иштирок этган.



Ушбу фильм томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Премьера сўнгига қадар гулдурас қарсақлар тинмади. Мирза Азизов яратган ватанпарвар инсон, профессионал режиссёр Мирза образи орқали томошабин кўз ўнгига чин инсон сиймоси гавдаланди. Айниқса, Мирза Азизовнинг севимли хонанда Муҳаббат Шамаевдан интервью олиш саҳнасини томошабинлар ўта жонли қарши олдилар. Маълумки, Муҳаббат Шамаева кўп йиллардан бери АҚШда истиқомат қилади. Хонанда томонидан «Кўчалар» қўшиғини қуйлаб берилиши томошабинларга ҳақиқий совға бўлди.

Фильмда 2005 йил Андижонда акромийлар ҳаракати туфайли юз берган мудҳиш воқеалар, уруш йилларида сургун бўлиб, ўзга юртдан паноҳ топган юртдошларимизнинг ватангадоликдаги аждоҳларининг аянчли, ватан соғичида ўтаётган умрларини кўрамыз. Андижон воқеаларига билиб-билмай аралашиб қолган Оллоёр (С.Ҳамроқулов), унинг рафиқаси Ойхон (Ш.Темирова)нинг ҳаётлари остин-устун бўлиб кетади. Оллоёрни йўлдан урган Акбарбей ва унинг малайи Нурия (Ғ.Ғофурова) образлари киши нафратини кўзгайди. Фильмни кўрган томошабин инсон ватанидан йироқда рўшнолик кўрмаслигига ҳаётини воқеалар мисолида шоҳид бўлади.

Режиссёр Ҳилол Насимов «Гумроҳлар» фильмига жудаям кўп воқеаларни киритиб юборган. Натижада, фильмининг баъзи ўринларида воқеалардан чалғиш, узилиш, бир воқеа тўлиқ очилмай, бирдан бошқа воқеага ўтиб кетиш ҳолатлари кузатилади. Бир қисмли фильмда диний ақида-парастлик курбонлари, ота-онаси ўзга элларда қолиб кетган юртдошларимиз, иш юзасидан бориб турли сабаблар туфайли муқим ўрнашиб қолган миллатдошларимиз, «Green card» каби имтиёзли ютуқлардан кўп нарса кутиб, ҳавойи ваъдаларга учганларнинг хор-зорликдаги ҳаётини тўлиқ акс эттиришнинг имкони йўқ эди. Уларнинг ҳар бири алоҳида мавзу бўла олади. Кейинги ижодий жараёнларда фильм ижодкорлари бу каби камчиликларни бартараф этадилар, деган умиддамиз. Ҳилол Насимовдан яна янги ижод намуналарини кутиб қоламиз.

Моҳинур АҲМАДЖОНОВА
Театршунослик бўлими 1-курс талабаси

Созлар навоси

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Соғлом бола» йилига бағишланган «Созлар навоси» Ёш мусиқа ижрочилар Республика танловининг «Мирзо Улуғбек» тумани босқичи ўтказилди. Танлов «Чолғу ижрочилиги» кафедрасининг «Чолғу жамоаларига раҳбарлик», «Халқ ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик» ва «Касб таълими: Чолғу жамоаларига раҳбарлик» бўлимлари ўртасида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги танловнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланиб, уни ўтказишдан мақсад: маданият ва санъат соҳаларидаги истеъодларни аниқлаш ва уларга ўз маҳоратини намоён этиши учун ижодий майдон яратиш, мусиқа орқали ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, ўзбек миллий санъати анъаналарини тарғиб қилиш, ривожлантириш ва ёш авлодга етказиш.



Танлов 34 нафар талаба иштирокида, беш босқичда бўлиб ўтди. Бунда дамли чолғулар, зарбли-торли чолғулар, мезробли чолғулар, урма-зарбли чолғулар, камонли чолғулар бўйича талабалар ўз истеъодларини намоён этишди. Танловни ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳолисона баҳолашди. Унда Мирзо Улуғбек тумани Маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Р.Юсупова, М.Улуғбек тумани Маданият ва аҳоли дам олиш маркази ёшлар билан ишлаш ва маданий-маърифий масалалар бўйича мутахассис Н.Ахмадалиева, «Чолғу ижрочилиги» кафедра мудири С.Туратов, профессор Т.Юлдошев, доцент М.Ғофуров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист К.Мирзаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист К.Шерматов ва бошқа ўқитувчилар иштирок этдилар. Танловда 30 нафар талаба номинациялар бўйича голиб деб топилди ва шаҳар босқичига йўл олди.

Зулҳуморхон АҚБАРОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси 3-курс талабаси

ЮКСАК ЧЎҚҚИЛАРГА ИЛК ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси қошида драматургия тўғрисида неча йиллардан буён самарали фаолият юритиб келмоқда. Ҳозирда ҳафтанинг ҳар сешанба кунини бўлиб ўтадиган «Ёш драматурглар» ижодий семинари қизгин баҳсларга бой, шахсий мунозаралар ва илмий музокаралар асосида бўлиб ўтмоқда.

Семинар ташкилотчиси ёзувчи ва драматург Эркин Самандар, ижодий семинар раиси драматург ва адабиётшунос, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Шухрат Ризаев, семинар машғулоти танқид ва тақриз услубиётчиси ЎзДСМИ ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоли, доцент Маъмур Умаров, котиб ва кузатувчилар ЎзДСМИ «Санъатшунослик ва маданиятшунослик» кафедраси катта ўқитувчилари Гулчеҳра Муфти-заде, Матлуба Исаева кабилар, асосий қатнашувчилар ЎзДСМИ дараматургия бўлими талабалари ва бошқа ҳаваскорлар иштирокида бўлиб ўтадиган ижодий мажлислар сони тобора кўпайиб, савия жиҳатдан кўзга кўринarli равишда ўсиш бўлмоқда.

Кунини кеча ҳаваскор ёзувчи Умид Икромнинг «Эртакчи чоллар» номли пьесаси муҳокамаси бўлиб ўтди. Муҳокама кутилгандан кўра хилма-хил фикрларга бой бўлди. Юқоридаги қатнашувчилар билан бир қаторда Сирожиiddин Рустамов, Сайёра Аҳмаджонова, Достонбек Раҳматуллаев, Бобур Шер ўғли каби бир нечта талабалар ҳам асар

ҳақида ўзларининг шахсий фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Пьеса аввало ижтимоий мавзуда эканлиги, драматургик ғоянинг кучли танланганлиги барчани мақтовига сазовор бўлди. Натижаларга кўра, асар янада мукамал ишланиб ижодий семинар машғулотида қайта кўриладиган бўлди. Режага кўра, республика театрларидан ҳам мутахассислар жалб қилиниб, асарнинг келгуси тақдири янада мукамал ишланишига йўл берилди. Зеро, ҳар қадамда камчиликлар бўлиши мумкин, аммо изланишлар ҳамда тажриба асосида ушбу камчиликларни бартараф этиш ҳақиқий ижодкорлик маҳоратидан далолатдир.

«Ёзувчилар уюшмаси»нинг мажлислар залида ушбу семинар ҳар ҳафтада бўлиб ўтади. Талабалар ҳамда ҳаваскор ёзувчилар машғулоти асосида «юксак чўққиларга илк қадамлар»дан бошлаб одимлайдилар ҳамда кўзлаган натижаларига, албатта, эришадилар. Вақти келиб, ижодий семинарда муҳокама бўлаётган янги асарларни театрларимизда ва албатта, телевидение каналларида кутиб қоламиз.

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ

Саҳна ва экран драматургияси бўлими 2-курс талабаси



(Ахборот-коммуникация технологиялари — давр талаби)

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ахборот — коммуникация соҳасини жадал равнақ топтириш, фуқароларни замонавий телекоммуникация хизматлари

билан тўлиқ таъминлаш борасида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ахборот технологияларидан тўғри, унумли ва оқилона фойдалана оладиган мутахассисларни тайёрлаш муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази томонидан маданият, санъат ва спорт соҳаси мутахассислари учун ташкил этилган АКТдан фойдаланиш бўйича малака ошириш курслари шу мақсадга хизмат қилади.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 мартдаги «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг ахборот

— коммуникация технологиялари соҳаси бўйича малакасини оширишга доир қўшимча чоратadbirlar тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида мазкур институтдаги Тармоқ маркази негизда таянч ўқув маркази ташкил этилган. Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидagi давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари ва мутахассислари, олий ва ўрта махсус, касб-хўнар таълими педагог кадрларига ахборот технологиялари бўйича сабоқ берилади. Ишлаб чиқилган режага асосан юртимиздаги барча музейлар, Андижон вилояти маданият ва аҳоли дам олиш марказлари директорлари, Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармалари мутахассислари соҳага оид билимларини мустаҳкамлади.

Тингловчиларга машғулоти ўтиш учун институтининг 10 га яқин тажрибали мутахассис профессор-ўқитувчилари жалб этилган. Б.Ражабов, Ф.Турсунова, Д.Дарвишев, Р.Мамажонов, С.Худойбердиев сингари малакали профессор-ўқитувчилар дарс машғулотида олиб бормоқдалар.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши барча тармоқларда соҳага оид билимларни мунтазам ошириб боришни тақозо этмоқда, — дейди Қарши маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Нарзулла Абдуллаев. — Буни ҳамма соҳада ахборот оқимининг тез суръатда ўсиши ва кенг қўлмаллиги билан изоҳлаш мумкин. Малака ошириш курсларида бу борада кўплаб зарур маълумотларга эга бўлди. Машғулотида давомда электрон ҳўкумат, интернет тизими, мультимедиа воситалари, масофавий таълим ва мутахассислик соҳасида электрон дастурлардан фойдаланиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Дарсларни мазмунли ўтиш, тингловчиларнинг ғоявий, назарий ва профессионал савиясини ошириш йўллари белгилаб олинди.

Вилоятлардан малака оширишга келган тингловчиларнинг маънавий, маърифат ва маданият янгиликларидан хабардор бўлишлари учун Ўзбекистоннинг машҳур адабиёт, санъат намояндалари ҳамда маданият арбоблари билан мунтазам учрашувлар ташкил этилмоқда.

Бу ишга жойлардаги маданият ва спорт ишлари бошқармалари билан ҳамкорликда институтимиз малака ошириш Тармоқ маркази ўз муносиб ҳиссасини қўймоқда.

Отабек ҲАСАНОВ

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори



ЯНГИ НАШР

2014 йил 5 ноябрда «Наврўз» нашриёти томонидан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессор-ўқитувчиларининг «Санъат ва маданият таълими — бадий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи» номли илмий-назарий ва амалий конференцияси материаллари тўплами нашр этилди.

Мазкур тўплам институт профессор-ўқитувчиларининг 2014 йил 6-7 январда ўтказилган, «Соғлом бола» йилига бағишланган илмий-назарий ва амалий конференцияси асосида тайёрланиб, институтнинг илмий-тадқиқот, таҳририят ва нашриёт бўлимида тўплам ҳолатига келтирилди.

Тўпламдан ўрин олган 82 та мақолаларда санъат ва маданият соҳаси учун кадрлар тайёрлаш жараёнида профессор-ўқитувчиларнинг қўллаган янги услублари, қўлланилган янги педагогик технологиялар ва илмий тадқиқот ишларидан олинган хулосалар ҳақида сўз юритилади. Ижодкор тарбиялашда таълимдаги долзарб муаммолар мазкур соҳа мутахассислари томонидан мушоҳада қилинади.

Тўпламдаги материаллар илмий тадқиқот олиб бораётган ёш олимларга, катта илмий ходим-изланувчиларга ва мустақил изланувчиларга дастуриламал бўлиб хизмат қилади ва ўз навбатида назарий кўникмаларни ўзлаштиришда ўқувчиға қўлайлик туғдиради.

ТАҲРИРИЯТ

Муассис:

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

Бош муҳаррир:
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳририят хайъати:

Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Тўлқин ҚОЗОҚБОВ
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Зулхумор НОРҚЎЗИЕВА
Умида ҲАСАНОВА

Саҳифаловчи-дизайнер:
Баҳром БОБОЖОНОВ

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри
М.Улуғбек тумани, Ялонғоч мавзеси, 127 А уй
Тел.: +99893 587 77 47;
+99871 230 28 13
www.dsml.uz; dsml_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охириги ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан
2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

1 2 3 4 5

Моҳисадаф УБАЙДУЛЛАЕВА
Саҳна ва экран санъати
драматургияси бўлими
3-курс талабаси




Деразадан кўзингга қараб,
Югургилаб келдим қошингга.
Шамолларда сочимни ёйиб,
Қиёс қилдим тўзғиқ сочингга.

Япроқларнинг ортидан қувлаб,
Югурдим-у сўнг, учиб кетдим.
Юрагимга юзин ишқашган,
Алвон баргга охири етдим.

Унга ёздим шеърлар авайлаб,
Тарновларинг басталасин куй.
Биз дунёга қўшиқ айтамыз,
Эй, баҳорлар, бизни кўриб қўй.

Сариқ япроқ, сен совчи япроқ,
Кеч пайқабсан ишқимиз афеус.
Жавобимни кечикмай етказ,
Севиб қолдим сени олтин куз.



Наргиза ЮСУПОВА
Қўғирчоқ актёрлиги
санъати бўлими
1-курс талабаси



Дунёга келтирган бу муштинар зот,
Онам деб ардоқлаб суюб айтаман.

Умримга бахшида етар пок ҳаёт,
Волидам меҳрини тўйиб яшайман.

Онажоним сизга мингдан-миг раҳмат,
Қалбимга жойладингиз меҳр-муҳаббат.
Кўзингизда кўрмайин ҳеч қачон ҳасрат,
Бахтимга соғ бўлинг, онажон албат.



Гулмеҳра ИСТАМОВА
Саҳна ва экран
драматургияси бўлими
3-курс талабаси

Қарашларинг ярашади

Нигоҳлари ёндирарим, кўзларингни алишмайман,
Тикилсам-да шу қарорим: кўзларингни алишмайман.
Васлинг этса менга насиб, бахтим кулиб боққани шул,
Не оҳулар сузса кўзин, кўзларингни алишмайман.

Менда борми қасдинг сенинг, қарамади шаҳлоларинг,
Девонага айбинг сенинг, қарамади шаҳлоларинг.
Бир дарёман тўғоним йўқ, қарамадга мадорим йўқ,
Ипсиз тизиб шайдоларинг, қарамади шаҳлоларинг.

Марваридми, ёкутми? Боқсам кўзим қамашади,
Маънос бўлсам бир қарашинг шодлигимга алишади.
Қандай жило борки билмам, унда юлдуз мужассамдир,
Ғарбингни телба қилган қарашларинг ярашади.